

## КЛАСТЕР НАЗАРИЯСИ ВА УНГА АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАР

Кластер назарияси XIX асрда дастлаб немис иқтисодчиси Иоган Генрих фон Тюнен ва унинг издошлари В.Лаунхард ҳамда А.Веберлар томонидан илгари сурилган. А.Маршалл ўзининг “Иқтисодиёт фани принциплари” ишида тадқиқот объекти тарзида шаҳар агломерацияси ва индустриал худудларни танлаб, ўтказган тадқиқотларида самарадорлик ва ишлаб чиқариш географик локализацияси ўзаро боғлиқлигини баён этган. У корхона ва ташкилотлар самарадорлиги уларнинг иқтисодий зоналар яқинида географик жойлашувига боғлиқлигини исботлаган. Б.Лундвал ва Б.Йонсонлар эса кластер назарияси билан боғлиқ “ривожланиш блоклари” концепциясини таклиф этганлар ҳамда соҳа ёки худудий ишлаб чиқариш бирлашмалари, бутун мамлакат аҳолисини узлуксиз ўқитиш жараёни миллий иқтисодий юксалиш ва рақобатбардошлик манбаи эканлигини таъкидлаганлар<sup>[1, 2]</sup>.

Кластер назариясининг замонавий талқини XX асрнинг 80-йилларида тўлақонли шаклланди. М. Потер йирик рақобатбардош компаниялар маълум худудларда концентрациялашувга мойиллигини эмпирик жиҳатдан исботлаган. Рақобатбардош компания ўз атрофидаги хўжалик субъектларига қониқарли таъсир кўрсатиши, ўз навбатида ўзаро боғлиқ барча ҳамкорларнинг рақобатбардошлигини оширувчи муқобил муҳит яратишини баён этган. Унинг фикрича “Кластер бу худудий (географик) жиҳатдан бир-бирига қўшни, ўзаро боғланган, маълум соҳада фаолият кўрсатувчи, умумий мақсад йўлида бир-бирини тўлдирувчи компания ва у билан боғлиқ ташкилотлар гуруҳидир”. Рақобатбардош компания миллий иқтисодиёт соҳаси рақобатбардошлигини шакллантиради, рақобатбардош соҳа эса ўз навбатида дунё бозорида мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайди ва сақлаб туради.

Илмий манбаларда<sup>[3]</sup> келтирилишича иқтисодиёт кластерларига асосан уч хил ёндашув мавжуд:

- унча катта бўлмаган худудда йирик корхона ёки компания атрофида жамланган хўжалик субъектлари;

- тадқиқотдан то заҳиралар таъминоти, савдо ва ундан кейинги хизмат кўрсатишгача тўла-тўқис қамраб олинган, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини бирлаштирган, маълум маҳсулот яратишда қатнашувчи корхона ва ташкилотларнинг вертикал технологик тизимидаги жамланмаси;

- соҳа кластери.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари турли тармоқларида кластерлар фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Россия Федерациясида тегишли давлат тузилмалари 2011 йилда ҳукумат топшириғига кўра жамоавий уйғунлашув асосида худудий инновацион кластерларни ривожлантириш дастурига киритиш учун лойиҳаларнинг икки босқичли танловини ўтказган. Давлат ва хўжалик органлари, етакчи фан ва олий таълим муассасалари ҳамда бизнес жамоатчилигининг 100 дан ортиқ мутахассисларини жамлаган махсус ишчи гуруҳ лойиҳаларни саралашга жалб этилган. Натижада давлат томонидан қўллаб-қувватланган, жаҳонда рақобатбардош, ўзида илмий-тадқиқот ва таълим салоҳиятини мужассамлаштирган, ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилиги

билан ажралиб турадиган, мулкчилик туридан қатъий назар соҳадош кичик корхоналарнинг кооперациялашувини таъминлаган (биринчи босқичда 37 та, иккинчи босқичда 25 та) ҳудудий кластер лойиҳаларини жорий этилишига эришиб, ҳудудларнинг тезкор юксалишига замин яратган<sup>[4]</sup>.

Илмий изланишлар натижаси иқтисодиёт тармоқларида кластерлаштириш билан боғлиқ жараёнлар давлат ва хўжалик органлари, мос етакчи фан ва олий таълим муассасалари ҳамда бизнес жамоатчилиги жамоавий уйғунлашуви билан масалаларга комплекс ёндашувда шакллантирилиши мақсадли эканлигини кўрсатди. Чунки ушбу фаолиятда пайдо бўладиган ҳудудий, тармоқ ёки унинг айрим соҳасига хос назарий, услубий ва амалий муаммолар “инсон капитали”, яъни инсонларда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар захирасидан соҳа ва соҳалараро ички, ташқи интеграциялашувнинг кучайиши билан пайдо бўлган инновацион муҳитда “илм орқали билим” тамойили қонуниятига кўра концентрациялашган билимлардан ўз ўрнида фойдаланиш билан тасдиғини топади<sup>[5,6]</sup>.

Мамлакатимизда кластерлар билан боғлиқ илмий изланишлар бошланиши 2000 йилларга<sup>[7,8]</sup> тўғри келади, бу борадаги илмий-амалий ишлар эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар олиб бориш билан бошланди. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ технополис, технопарк, кластер каби қатор тушунчалар турмуш тарзимизга кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сон қарорида<sup>[9]</sup> юклатилган вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини ва реал даромадларини изчил оширувчи, миллий бойлигимиз пахтани экишдан бошлаб чуқур қайта ишлашгача бўлган тизимни ўзида қамраб олган, тўқимачилик ва енгил саноатни янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака ва билимларини мужассамлаштирувчи “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия ҚК, “ParaglideLTD” ҚК ва “Petromaruz” (Россия) компаниясининг 123,1 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан дастлабки инновацион “Пахта - тўқимачилик кластери” мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди<sup>[10-13]</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>[14]</sup> билан эса кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Қолаверса, хужжат 3-иловаси билан пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссия таркиби тасдиқланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг пахта-тўқимачилик йўналишидаги кластерлари сони 75 тага етди (1-жадвал).

1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасидаги пахта-тўқимачилик кластерлари

Худуд	Кластерлар сони	Пахта майдони, га	
		Жами	ўртача битта кластерга
<b>Республика бўйича</b>	<b>75*</b>	<b>701 426,6</b>	<b>9 352,4</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3	28 161	9 387,0
Андижон вилояти	9	60 126	6 680,7
Бухоро вилояти	8*	112 329	14 041,1
Жиззах вилояти	4	28 068	7 017,0
Қашқадарё вилояти	6**	70 200	11 700,0
Навоий вилояти	2	32 600	16 300,0
Наманган вилояти	6	55 182	9 197,0
Самарқанд вилояти	8	75 580	9 447,5
Сурхандарё вилояти	5	49 846	9 969,2
Сирдарё вилояти	4**	42 606,6	10 651,7
Тошкент вилояти	6	54 600	9 100,0
Фарғона вилояти	8	50 330	6 291,3
Хоразм вилояти	6	41 798	6 966,3

\* Бухоро вилоятида 7 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластеридан ташқари “Бухоро Агротекстел” МЧЖ томонидан 49 800 гектар майдонга пахта экилган.

\*\* “Indorama Kokand Textiles” МЧЖ ҚК Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида.

Пахта-тўқимачилик кластерларининг 2019 йил кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган. Жорий йил пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келди. Пахта ҳосилдорлиги ўртача 28,3 центнерни, пахтани дастлабки ишлаш жараёнидан тола чиқиши эса 33,5%ни ташкил этди.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари томонидан 2019 йилда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишланиши натижасида республика бўйича 2019 йил сентябрь-декабрь ва 2020 йил январь-август ойларида трикотаж мато ишлаб чиқариш ҳажми 7 841 тоннани, газлама ишлаб чиқариш ҳажми 8 168 млн.кв.м.ни, пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 65 млн жуфтни ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 39 657 минг донани ташкил этиши кутилмоқда.

## Ўзбекистон Республикасидаги пахта-тўқимачилик кластерларининг вилоятлар кесимидаги кўрсаткичлари

Худуд	Кластерлар сони	Жами тайёрланган пахта хом ашёси	Ишлаб чиқариладиган пахта толаси ҳажми	Ип калава ишлаб чиқариш, минг тонна	Ип-газлама, млн.кв.м.	Трикотаж мато, минг тонна	Пайпоқ маҳсулотлари, млн.жуфт	Тайёр маҳсулотлар, млн.дона
<b>Республика бўйича</b>	<b>75</b>	<b>1 990 596,9</b>	<b>667 298,6</b>	<b>411 265,1</b>	<b>8 168,3</b>	<b>7 841,1</b>	<b>65 000,0</b>	<b>39 657,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3	69 450,0	23 162,7	18 640,9	6,0	-	-	800,0
Андижон вилояти	9	191 440,0	63 974,6	53 670,2	-	1 611,1	-	7 986,7
Бухоро вилояти	8	320 578,0	106 583,2	24 391,1	32,3	-	-	2 450,0
Жиззах вилояти	4	107 240,0	35 520,0	22 159,6	3,2	-	-	500,0
Қашқадарё вилояти	6	145 616,7	49 355,5	32 705,9	-	6 135,0	-	22 860,0
Навоий вилояти	2	88 978,3	29 785,3	24 459,7	-	-	-	-
Наманган вилояти	6	161 656,7	55 383,7	38 405,7	8 118,7	-	-	4 585,6
Самарқанд вилояти	8	176 372,0	59 174,9	40 710,2	-	95,0	-	475,0
Сурхандарё вилояти	5	116 332,2	39 728,2	20 134,8	-	-	-	-
Сирдарё вилояти	4	129 240,0	42 930,8	19 975,3	8,0	-	-	-
Тошкент вилояти	6	174 720,0	58 225,0	39 294,6	-	-	-	-
Фарғона вилояти	8	176 759,0	59 045,3	44 754,5	-	-	-	-
Хоразм вилояти	6	132 214,0	44 429,4	31 962,4	-	-	65 000,0	-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табригида бу борада эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди ва **“...биз кейинги йилдан бошлаб пахта етиштиришни тўлиқ 100 фоиз кластер усулига ўтказишга қарор қилдик. Шу билан бирга, ғаллачилик, мева-сабзвотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик кластерларини ташкил қилиш ишларини изчил давом эттирамиз”**, деган сўзлари билан тегишли йўналишлар раҳбар ва мутахассисларига қатор вазифалар юклатилди.

Сўнгги бир неча йиллардаги ҳаётий жараёнлар мамлакатимиздаги кластер соҳаларнинг мавжуд муаммоларини жамоатчилик томонидан теран англаниши, уларнинг ечимига жамоавий уйғунлашувдаги ёндашув, хом ашё, энергия ва меҳнат захираларидан самарали фойдаланиб, ташаббускор мутахассисларнинг фаол билимлари алмашинувига асосланган мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва муайян технологик тизимга бирлашган ишлаб чиқариш тузилмаси ўзаро ишончли ҳамкорлиги эканлигини кўрсатди.

Қатор пахта-тўқимачилик кластерларида эришилган ютуқлар кўзга ташланди. Масалан, Бухоро “Пахта-тўқимачилик кластери” вилоятнинг инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётининг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, у яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчи тузилмадир. Ушбу ютуқларга эришишнинг бош мезони кластер бошқаруви ва фаолиятида жаҳон тажрибасига таяниб, мавжуд ҳудудий ҳамда ташқи илмий салоҳиятдан фойдаланишидир.

Худди шу каби Сирдарё вилоятида ташкил этилган “ВЕК Cluster” ҚҚ МЧЖ фаолиятида ҳам бир қатор ижобий ўзига хосликлар мавжуд. Кластер ўндан ортиқ хорижий ҳамда ўзимизнинг маҳаллий олимларимиз салоҳиятидан самарали фойдаланмоқда. Вилоятнинг Мирзаобод туманида “ВЕК Cluster” тасарруфида “Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари илмий-амалий маркази” МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 февралдаги 105-сон қарори)ни давлат хусусий шерикчилик битимига кўра ташкил этилишида Гулистон давлат университети салоҳияти ва илмий-амалий тажрибасига таянади. Илмий-амалий марказ таркибида илмий лабораториялар (ўсимликлар ва тупроқ таҳлили, ўсимликлар биотехнологияси, ўсимликларни химоя қилиш, селекция ва уруғчилик, ўсимликлар генбанки, геномика, ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари) ва технопарклар (иссиқхона, стимулятор ва фунгицид ишлаб чиқариш, уруғчилик, толани, донни, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, ўсимликлар химояси, механизация) ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар натижасида Греция давлатининг “AGROLAB” фирмаси билан лаборатория жиҳозларини етказиб бериш бўйича дастлабки музокаралар олиб борилган.

Гулистон давлат университетида “Олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришда кластерли ёндашув: Гулистон давлат университети ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимида “Ўқув-илмий

комплекс” ташкил этиш” (А/Ғ-1/2) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишининг олиб борилиши, унда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ва Интеллектуал мулк агентлигининг 2017 йил 6 октябрда имзоланган Меморандумига кўра “Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази” фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ушбу жараёнларнинг жадаллашувиغا ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган, Германия Халқаро ҳамкорлик жамиятининг “Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш” лойиҳаси ҳажмида Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Деҳқонобод маҳалласида “Деҳқонобод Асл Анори” ишлаб чиқариш кооперативи фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур кооператив амалиётига “Маҳаллий анор (*Punica granatum* L.) навларининг физиологик-биокимёвий, фармакологик хусусиятлари ва микроклонлаш истиқболлари” мавзусида фан ва олий таълим илмий ютуқлари сингдирилган докторлик (PhD) диссертация натижалари вилоятида анорчилик агротехнологиясидан бошланиб, уни экспортга йўналтириш, шарбат ишлаб чиқариш ва иккиламчи чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ барча жараёнларни ўзида мужассамлаштирадиган анорчилик кластерини шакллантириш имкониятини яратган.

Хулоса қилиб айтганда, кластерлар инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодийнинг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчидир. Янгиланишлар “инсон капитали”, яъни соҳа ва соҳалараро фаолиятни ўзида мужассамлаштирган кластерлардаги ташаббускор мутахассисларнинг тафаккури билан боғлиқ. Мазкур кластерларда соҳаларнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви билан бир қаторда, соҳа кичик корхоналарининг манфаатли кооперацияси, соҳалараро ички ва ташқи интеграция элементлари ҳам юксалишига замин яратади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Маршалл. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993 г.
2. Б.Ш. Усмонов, О. Раджабов. Изучение опыта развития и управление инновациями в кластерах. Т.: Fan va texnologiya, 2017 г.
3. А.А. Мигранян. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров. // Вестник КРСУ. 2002., №3. ([www.krsu.edu.kg/vestnik/2002/v3/a15.html](http://www.krsu.edu.kg/vestnik/2002/v3/a15.html).)
4. О проекте перечня пилотных программ развития инновационных территориальных кластеров. <http://www.economy.gov.ru>
5. Б.Ш. Усмонов, Ф.Х. Рахимов. Билимлар, инновациялар ва инсон капитали ривожига асосланган иқтисодиётни шакллантириш. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 81-87 б.
6. М.А. Рахматов, Б.З.Зарипов. Истедодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир. Ли Куан Ю ҳикматлари. Т.: “Zamin Nashr”, 2019.
7. А.Ш. Бекмурадов и Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. Ташкент, 2006.
8. А. Солиев, Х. Кодиров. Кластеризация экономики – важнейший фактор стратегического планирования. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 104-108 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сон қарор.
10. М.А. Рахматов, Б.З. Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: “Zamin Nashr”, 2018.
11. М.А. Rahmatov, F.X. Rakhimov, B.Z. Zaripov и др. Cotton-Textile Cluster as a Knowledge Base for Education, Science and Manufacturing Innovational Cooperation. International Journal of Agriculture and Forestry 2018, 8(3): 124-128 DOL: 10.5923/j.ijaf.20180803.02. <http://www.sapub.org/journal/archive.aspx?journalid=1041&issueid=3770>
12. Ф.Х. Рахимов, М.А. Рахматов, Б.З. Зарипов, Б.Ш. Усмонов. Пахта-тўқимачилик кластери ёхуд иқтисодий юксалиш сари одимлар. Т.: Тўқимачилик муаммолари. 2018. - №4, 120-125 бетлар.
13. Б.Ш. Усмонов, Ф.Х. Рахимов. Интеграция, инновацион муҳитни шакллантириш ва иқтисодиётни кластерлаштиришга комплекс ёндашув. Иқтисодиёт ва таълим. Т.: ТДИУ, 2019., №4. 79-86 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

## МУАЛЛИФЛАР:

- 1. РАХИМОВ** Фархад Хушбақович – техника фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг “Инновацион технологияларни ва илм-фанни ривожлантириш” бўлими бошлиғи.  
e-mail: [fraximov@mineconomy.uz](mailto:fraximov@mineconomy.uz) Тел.: 71 232-64-37, 90 934-31-66.
- 2. УСМОНОВ** Ботир Шукруллаевич – техника фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги вазир ўринбосари.  
e-mail: [usmonov@mineconomy.uz](mailto:usmonov@mineconomy.uz) Тел.: 71 232-63-17.
- 3. КУШИЕВ** Хабибжон Хожибобоевич - биология фанлари доктори, профессор. Гулистон давлат университети. Тел.: 99 475-91-34